

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

“ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

УМАРХОДЖАЕВ ДАВРОН ХАКИМОВИЧ

**ҚИЙИН ТОЗАЛАНУВЧАН ВА МАШИНАДА ТЕРИЛГАН ПАХТА
ХОМАШЁСИ УЧУН ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИ ПАХТА ТОЛАСИНИ
ТОЗАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02-Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов
бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Умарходжаев Даврон Хакимович

Қийин тозаланувчан ва машинада терилган пахта хомашёси учун юқори самарадорли пахта толасини тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш5

Умарходжаев Даврон Хакимович

Разработка высокоэффективной технологии очистки хлопкового волокна при переработке трудноочищаемого и машинного сбора хлопка-сырца18

Umarkhodjayev Davron

Development of a highly effective technology for cotton fiber cleaning in the processing of hard-to-clean and machine-picked raw cotton33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works37

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

“ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

УМАРХОДЖАЕВ ДАВРОН ХАКИМОВИЧ

**ҚИЙИН ТОЗАЛАНУВЧАН ВА МАШИНАДА ТЕРИЛГАН ПАХТА
ХОМАШЁСИ УЧУН ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИ ПАХТА ТОЛАСИНИ
ТОЗАЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02-Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга дастлабки ишлов
бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавсуми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Т574 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Рахтасаноат ilmiy markazi» АЖДа бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nammti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мақсудов Эркин Тўхтаевич
Техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маматов Алишер Зулунович
Техника фанлари доктори, профессор
Эргашев Жамолиддин Саматович
Техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «30» июль соат 11-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел: (+99869) 225-10-07, факс: (+99869) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz, Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7, Тел: (+99869)225-10-07).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического институте (зарегистрирована под №___). Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел: (69) 225-10-07.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Р. Муродов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

О. Саримсоқов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари доктори, профессор

Қ. Холиқов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа (PhD) докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги. Жаҳон амалиётида пахта толаси тўқимачилик саноати учун асосий ашё ҳисобланади. Пахта бўйича Халқаро Консультатив Қўмитаси (ICAC) нинг маълумотларига қараганда сўнгги йилларда дунё миқёсида 23 млн. Тонна атрофида пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда, унга бўлган талаб эса ҳозирда 24,6 млн.тоннани ташкил этмоқда. Аҳоли сонининг интенсив ортиб бориши ҳисобига пахта толасига бўлган талаб келажакда ҳам ортиб бориши кутилмоқда. Пахта толасини етказиб бериш бўйича етакчи ривожланган АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Туркия каби мамлакатларда технологик жараёнларни бошқариш усуллари модернизациялаш, техника ва технологияларни лойиҳалаштиришнинг автоматик усуллари ишлаб чиқариш ва пахтани дастлабки ишлаш жараёнларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда, хусусан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини оширадиган, тола тозалашнинг ресурстежамкор техника ва технологиясини ишлаб чиқариш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳонда пахтани дастлабки ишлашнинг асосий технологик жараёни сифатида толани тозалаш техника ва технологиясини ривожлантиришга қаратилаган. Шу сабабли, пахта тозалаш корхоналарининг асосий воситаларига тегишли бўлган толани тозалаш жараёнини модернизациялаш, олинаётган толанинг сифатини ошириш вазифаларини оптималлаштирадиган математик моделларни ишлаб чиқиш вазифалари катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, тола тозалагичнинг самарали ва ресурстежамкор намунасининг янги конструкциясини ишлаб чиқиш, унинг чиқарилаётган тола сифатини оширишга имкон берадиган параметрларини асослаб бериш зарур масаласидир.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларга ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясида вазифалар аниқланган бўлиб, хусусан, "... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, энергия ва ресурслар тежамкорлигини ошириш, энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этишдир..."¹. Ҳал этилиши зарур бўлган бундай вазифалардан бири айнан пахта толасини тозалашнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ва истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати талабларига жавоб берадиган янги технологияларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш бўлади.

Ушбу илмий-тадқиқот иши маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон "Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта асосий

¹International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. September 1, 2017.

йўналишлар бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони ва 2015 йил 04 мартдаги ПҚ-4707-сон “2017-2021 йилларда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, тизим структураларини реформалаш ва модернизациялаш чоралари тўғрисида” Қарорида ҳамда 2018 йил 23 февралдаги ПП-3559-сонли “Рахтасаноат Илмий Маркази” акциядорлик жамиятининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоралари тўғрисида” Қарорида ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа мейёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация республикада фан ва технологияларни ривожланишининг II.“Энергетика, энерго–ресурстежамкорлик” устувор йўналишларига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тола тозалагичларнинг ишчи органларини такомиллаштириш, уларнинг ресурстежамкорлигини ошириш, пахта толасини тозалаш технологиясини модернизациялаш, тола тозалаш жараёнларини такомиллаштириш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати талабларини ошириш муаммолари билан бир қатор олимлар: R.M.Sutton, T.S.Manojkumar, D.W.Van, S.E.Anthony-лар изланишлар олиб боришган.

Тола тозалаш жараёнларини такомиллаштириш, тола тозалагич асосий ишчи органларининг параметрларини асослаш, пахта толасини тозалаш технологиясини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни Г.И.Болдинский, Д.А.Котов, А.И.Крыгин, Д.С.Котов, Г.И.Мирошниченко, Х.К.Турсунов, А.Б.Мощенков, И.Т.Пономеренков, А.А.Исмоилов, Э.Э.Гайбназаров ва бошқалар ўрганиб чиқишган.

Аммо, шу пайтгача Ўзбекистонда ҳам, хорижий мамлакатларда ҳам тола таркибидан майда ва йирик ифлосликларни самарали ажрата оладиган, чиқиндилар миқдори минимал даражада толани чиқиндиларга туширадиган ҳамда юқори сифатли маҳсулот чиқариб берадиган самарали тола тозалагич яратиш муаммоси ҳалигача тўлиқ ҳал этилмади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Рахтасаноат илмий маркази» АЖнинг Илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ) режаси доирасида БВ-Итех-2018-(41+46) рақамли “Юқори самарали икки барабанли тола тозалагични яратиш ва уни республика пахта тозалаш корхоналарида жорий этиш” (2018-2019 йиллар) мавзуси асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Модернизациялаштирилган тола тозалагич ва унинг қийин тозаланувчан ва машина терими пахта хом ашёсини дастлабки ишлашда тола тозалаш жараёнини самарали амалга оширилишини таъминлайдиган асосий оптимал технологик ва конструкцион параметрларини аниқлаш.

Тадқиқот вазифалари. Қўйилган мақсадларга етишиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- толани самарали тозалаш технологияларини ишлаб чиқиш соҳасидаги тўпланган тажрибалар, мамлакатимизда ва хорижда амал қилаётган тола тозалагичлар ва тозалаш усулларини умумлаштириш;

- самарали тола тозалаш жараёнини таъминлайдиган колосникли панжараларнинг янги конструкцияларини ишлаб чиқиш;

- биринчи ва иккинчи барабанларнинг тозалаш зонасидаги толанинг ҳаракатини унинг ажратувчи колосниклар ва аррали цилиндрлар ўзаро таъсири остида назарий тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг тозалаш жараёни интенсивлиги ҳолатида ифлос аралашмаларнинг ажралиш самарасига таъсирини ўрганиш;

- икки барабанли тола тозалагични колосникли панжараларининг оқилона конструктив ва технологик параметрларини танлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг тозалаш жараёнида тола сифатига таъсирини ўрганиш.

Тадқиқот объекти. Толани тозалаш техника ва технологияси.

Тадқиқот предмети. Толани тозалаш технологик жараёни ва уни самарали амалга ошириш техник воситалар.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар жараёнида назарий ва экспериментал механика олий математика ва тебранишлар назарияси, машина ва механизмлар назарияси, технологик машиналар ишчи жараёнларини математик моделлаштириш, математик статистика ва математик ҳисоблашлар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тозалаш модулидаги тола ҳаракати давомида колосникнинг юқори юзасидаги ифлосликларнинг қайтарувчи колосниклар ва 1чи, 2чи аррали цилиндрлар зонасида ўзаро таъсирининг модели ишлаб чиқилди;

колосниклараро тирқишлар ва колосникларнинг 1чи, 2чи аррали цилиндрларга нисбатан интенсив тозалаш жараёнида ўрнатилиш координаталари ўртасидаги аналитик боғлиқликлар олинди;

ифлос аралашмалардан тозалаш жараёнида толага бўладиган зарбли юкламаларни назарий таҳлил қилиш асосида колосникларнинг оптимал сони ва тозалаш самараси аниқланди;

юқори тозалаш самарасига эга, толанинг юқори сифатини таъминлайдиган тола тозалагичнинг оптимал конструктив ва технологик параметрлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: Икки барабанли тола тозалагичнинг қийин тозаланувчан пахта хом ашёси селекцияси навларининг машина ва қўл терими ишланганда юқори тозалаш самарасига эга, толанинг юқори сифатини таъминлайдиган намунаси ишлаб чиқилди;

толани самарали тозалашнинг технологияси ишлаб чиқилди, сифатли тола чиқариш учун таркибидаги майда ва ифлос аралашмалар миқдорининг йўл қўйиш мумкин бўлган пропорциялари аниқланди;

янги тола тозалагич яратилди, унинг оптимал кинематик, конструктив ва технологик параметрларини танлаш учун назарий ва амалий боғлиқликлар олинди.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Бу ҳолат кўриб чиқиладиган муаммо, яъни тола тозалаш соҳасида шаклланган илмий қоидалар, принциплар, хулосалар ва тавсиялар, маълум назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг мослиги, уларнинг умумий қабул қилинган баҳолаш мезонларига тўғри келиши, синов ва жорий этиш бўйича эришилган ижобий натижалар ва уларнинг қиёсий таҳлиллари билан аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот ишининг илмий аҳамияти қуйидаги жараёнлар алгоритмларини ишлаб чиқарилиши билан характерланади, тола тозалаш модулида ифлосликларни ажратувчи колосникларнинг аррали цилиндрга нисбатан жойлашиши; толани ифлос аралашмалардан самарали тозаланиши учун 1чи, 2чи аррали цилиндрларининг ёйлари бўйлаб колосникларнинг оптимал сони ва жойлашиш ўриналари аналитик усулда аниқланди.

Илмий тадқиқот ишининг амалий аҳамияти тўғри оқимли икки арабанли тола тозалагичнинг юқори тозалаш самарасига эга, толанинг чиқиндиларга чиқиб йўқотилишини камайтирадиган ва унинг юқори сифатини таъминлайдиган янги конструкциядаги намунаси ишлаб чиқилди, икки арабанли тола тозалагичнинг янги конструкциядаги намунаси ишлаб чиқишга жорий этилиши учун тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Юқори тозалаш самарасига эга тола тозалагични яратиш давомида ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш асосида:

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлиги томонидан фойдали модел сифатида патентланган тўғри оқимли икки арабанли тола тозалагич ишлаб чиқилди (Икки босқичли тўғри оқимли тола тозалагич FAP01170-2016 й.).

тўғри оқимли икки арабанли тола тозалагичлар “Ўзпахтасаноат”АЖ таркибидаги Зарбдор ва Гулистон пахта тозалаш корхоналарида жорий этилди (“Ўзпахтасаноат”АЖнинг 2020 йил 3 мартдаги № 03-18/875 сонли маълумотномаси). Натижада тозалаш самарасини 37,2% ва 38,1%га ошириш ва чиқиндилардаги толадорликни эса 16,23% ва 12,4%гача пасайтириш имконияти туғилди.

тўғри оқимли икки арабанли тола тозалагичлар “Ўзпахтасаноат”АЖ таркибидаги Зарбдор ва Гулистон пахта тозалаш корхоналарида жорий этилди (“Ўзпахтасаноат”АЖнинг 2020 йил 3 мартдаги № 03-18/875 сонли маълумотномаси). Натижада юқори навли толани тозалашда O’zDst 604:2016 стандарти бўйича “Олий” синфдаги толанинг сифатини 2,14% ва 1,9%га кўтарилишига эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий қисмлари ва натижалари илмий-техник конференцияларда, шу жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида хабар берилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 илмий ишлар чоп этилган, шундан 9 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда, шу жумладан 2 та хорижий ва 7 та мамлакатимиз журналларида чоп этилган, Ўзбекистон Республикасининг фойдали модель учун 3 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш қисми, 4та бобдан, хулоса қисмидан, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 саҳифа, 22 расм ва 22 жадвалдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги асосланган, унинг мақсади ва вазифалари ҳамда тадқиқотнинг объект ва предмети белгиланган. Унда тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий ва амалий янгилиги, диссертация ишининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқотларнинг ишлаб чиқаришга жорий этиш натижалари, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **“Тола тозалаш соҳасида амалга оширилган назарий ва амалий тадқиқотларнинг таҳлилий обзори”** бобида маҳаллий ва хорижий тола тозалагичлар ҳолатининг обзори келтирилган.

ИВПУ русумли тола тозалагични ўрганиш натижасида аниқландики, тозалаш органларининг такомиллаштирилмаганлиги сабабли амалдаги тозалаш самараси паст бўлиб, ўртача 15-20%ни ташкил этади, бу эса олинган толанинг сифати О'zDst 604:2016 “Пахта толаси. Техникавий шартлар” стандарти талабларига жавоб бермайди, айниқса қийин тозаланувчан селекцияли пахта хомашёси навларининг машина ва қўл терими ишланганда. Бундан ташқари, тола тозалагичнинг конструктив камчиликлари сабабли 15%гача тола тозаланмасдан транзит ҳолатда ўтиб кетади, натижада чиқарилаётган тола сифати ва машинаниннинг иш самараси пасайиб кетади. Конденсор типдаги қисувчи валикли ва столикли хорижий тола тозалагичлар эса толанинг штапель узунлигини 01,5-2,5 мм.га қисқартириб қўяди. Бундан ташқари конденсор типдаги тола тозалагичнинг конструкциясининг мураккаблиги унинг металл ва энергия сифимининг ортишига ва ундан фойдаланиш ҳамда хизмат кўрсатишда қийинчиликлар туғдиради.

Соҳада қўлланилаётган тола тозалагичлар ҳолатининг обзори шуни кўрсатдики, қўлланилаётган машиналарнинг конструктив камчиликлари сабабли уларнинг толани ўлик ва ифлос аралашмалардан тозалаш самарасини оширишга имкон бўрмайди ва шу сабабли ҳам бугунда тола тозалагичларнинг иш самараси паст. Бу ҳолат тола тозалаш технологияси ва ускуналарини такомиллаштириш масалаларини тола тозалагичнинг юқори тозалаш самарасига эга, толанинг чиқиндиларга чиқиб йўқотилишини камайтирадиган ва унинг сифатини давлат стандартларига мос ҳолда таъминлайдиган даражада ҳал этиш зарурлигига ишора этади.

Диссертациянинг иккинчи “**Толали масса оқимининг тозалаш жараёнини унинг дискрет ҳолда жойлашган колосникларга зарбали таъсирида ўзаро ҳаракатини моделлаштириш**” бобида янги конструкциядаги тола тозалагичнинг ишчи органлари ва элементларининг тозалаш жараёнида ўзаро ҳаракатлари аниқланган. Тола оқимининг стационар ҳаракати аррали барабанлар ва колосникларнинг алоҳида юзалари бўйлаб $R_2 = R_1 + h$ (h - бу ерда тола қатламининг қалинлиги) радиусли концентрик айланалар ёйи бўйлаб қисилган яхлит муҳит ҳаракати сифатида кўрилган (расм 1).



1- аррали цилиндр, 2- колосниклар

Расм.1. Толанинг тозалаш зонасидаги ҳаракат схемаси.

Бунда колосниклар томонидан кучларнинг таъсири нуқтали деб ҳисобланади. Муҳитнинг ҳолати қисилган яхлит муҳит ҳаракатига кўра тозалаш зонасида $R_1 < r < R_2$, $\varphi_0 < \varphi < \pi - \varphi_0$ га кўра (бу ерда R_1 - аррали барабан радиуси), босим $p = p(r, \varphi)$ ва зичлик $\rho = \rho(r, \varphi) \cdot w, p, \rho$ функцияси учун оқимнинг стационар ҳаракатига жавоб берадиган Эйлер тенгламаси куйидагича ифода этилади,

$$\rho w \frac{dw}{d\varphi} = - \frac{dp}{d\varphi} - f \frac{R}{R_1 + h} \sum_{i=1}^N \rho_i w_i^2 \delta(\varphi - \varphi_i) \quad (1)$$

$$\varphi_0 < \varphi < \pi - \varphi_0 \quad (2)$$

Бу ерда f - тола ва колосник ўртасидаги ишқалиш коэффициентлари, $\delta(\varphi - \varphi_i)$ - Дирак функцияси бўлиб, $\varphi = \varphi_i$ нуқтасида йўналтирилган кучнинг таъсирига ишора этади, $\varphi = \varphi_i = \varphi_1 + \frac{\pi - 2\varphi_1}{N-1}(i-1)$ - нуқталарида аниқланиши керак бўлган $\rho(\varphi)$ ва $w(\varphi)$ функцияларининг ρ_i ва w_i - қийматлари, N - колосниклар сони.

(1) и (2) тенгламалар уч w, ρ, ρ номалумга эга, уларни ёпиш учун оқим массасининг сақланиш қонунини қўллаймиз,

$$\rho w S = \rho_i w_i S = const = \rho_0 w_0 S = Q \quad (3)$$

Бу ерда $S = Lh$, ρ_0 - толали массанинг камерага киришдаги зичлиги, $w_0 < w_n$ - хом ашёни тозалаш зонасига узатилиш тезлиги, ($w_0 < w_n \cdot w_n$ - аррали барабаннинг чизиқли тезлиги), Q - тозалаш машинасининг унумдорлиги,

L - барабан узунлиги ва босим ва зичлик ўртасидаги алоқани ифода этувчи муҳит ҳолатининг тенгламаси:

$$\rho = \rho_c [1 + A(p - p_c)], \quad \rho_i = \rho_c [1 + A(p_i - p_c)] \quad (4)$$

Бунда A - толали массанинг эшилувчанлик коэффициенти, p_0 - оқимнинг тозалаш зонасига киришдаги босими.

Оқимнинг тзлиги колосниклар билан ўзаро таъсирдан сўнг қуйидагича бўлади:

$$\bar{w}_i = c^i \quad (i = 1, 2, 3 \dots N) \quad (5)$$

Бу ерда - $c = 1/(1-b) = q_0/(q_0 - f)$.

$q_0 > f$ бўлгани учун, узатиш тезлиги w_0 $w_0 < c_0/\sqrt{1+f}$ тенгсизлигини қондириши керак. (6)

$f = 0.3$ деб қабул қилинса, юқоридаги мисолда $w_0 < 8.77 \text{ м/с}$ деб ҳисоблаш мумкин. Толали муҳит массасининг ифлос аралашмаларни ажратиб олиниши оқибатида камайиш қонунияти топидди. А.Г. Севостьяновнинг ишига кўра толали масса зичлиги титилиш натижасида $d\rho$ қийматга камаяди, натижада унинг ҳажми

$$V + dV = \frac{m - dm}{\rho - d\rho} \quad \text{-га тенг бўлади.} \quad (7)$$

Шу билан бирга тола массасининг ҳар бир секцияда нисбий ўзгариши тола ҳажмининг нисбий ўзгаришига пропорционал ҳолда, яни

$$\frac{dm}{m} = \frac{dV}{aV}, \quad (i = 1, 2, 3, \dots, N) \quad \text{бўлади} \quad (8)$$

Бу ерда $a > 0$ -пропорционаллик коэффициенти .

Тозаланмаган толали муҳит массасини m_0 - деб белгилаймиз , m_i -деб i - чи колосник билан ўзаро таъсирдан кейинги тола массаси. Оқимнинг колосниклар билан ўзаро таъсирдан сўнг, ҳосил бўлади;

$$m = m_0 \text{ -да } \varphi < \varphi_1, \quad m = m_i = m_0 \left(\frac{\rho_i}{\rho_0} \right)^\lambda = \frac{m_0}{c^{i\lambda_i}} = m_0 \left(\frac{q_0 - f}{q_0} \right)^{\lambda_i} \quad \varphi_i < \varphi < \varphi_{i+1} \text{ -да } \quad i = 1..N-1$$

$$m = m_N = \left(\frac{\rho_N}{\rho_0} \right)^{N\lambda_N} = \frac{m_0}{c^{N\lambda_N}} = \left(\frac{q_0 - f}{q_0} \right)^{\lambda_N N} \quad - \varphi > \varphi_N \text{ -да}$$

Бу ерда А.Г. Севостьянов бўйича $\lambda_i = \lambda_0 / (1 + p)^{i-1}$.

Унда ажратилган ифлос аралашмалар миқдори биринчи колосник билан ўзаро таъсирдан сўнг қуйидагича бўлади :

$$\Delta m_1 = m_0 - m_1 = m_0 \varepsilon_1, \quad \text{бунда } \varepsilon_1 = 1 - c_1^{-\lambda} = 1 - (1 - b)^{\lambda_1} \text{ - тозалаш самараси ,}$$

Ажратилган ифлос аралашмалар миқдори i -инчи колосник билан ўзаро таъсирдан сўнг қуйидагича бўлади :

$$\Delta m_i = (m_0 - \Delta m_1 - \Delta m_2 - \dots - \Delta m_{i-1}) \varepsilon_i = m_0 (1 - \varepsilon_1)(1 - \varepsilon_2) \dots (1 - \varepsilon_{i-1}) \varepsilon_i \quad (9)$$

Бу ерда $\varepsilon_i = 1 - (1 - \beta)^{i\lambda_i}$

Ажратилган ифлос аралашмаларнинг умумий миқдори (6)-чи ҳисобга олинганда барча колосниклар билан ўзаро таъсирдан сўнг қуйидаги йиғинди ҳолатида ифода этилади

$$M = \sum_{i=1}^N \Delta m_i = m_0 [\varepsilon_1 + (1 - \varepsilon_1)\varepsilon_2 + (1 - \varepsilon_1)(1 - \varepsilon_2)\varepsilon_3 + \dots + (1 - \varepsilon_1)(1 - \varepsilon_2) \dots (1 - \varepsilon_{N-1})\varepsilon_N]$$

(6) тенгсизликни w_0 -га нисбатан ечилиши w_{0k} -узатилиш тезлигининг

чегара қийматини аниқлайди, $w_0 < w_{0k}$ қийматида тозалаш жараёни толали масса яхлитлиги бузилмаган холда амалга ошади.

А –параметрини танлашда титилиш шартлари шундай бўлиши керакки, толали массанинг зичлиги иккинчи секциядан чиқишда $0.5\rho_0$ -гача камайиши керак. Ҳисобларда қабул қилиниши бўйича $\rho_0 = 20 \text{ кг/м}^3$, $h = 0.0025 \text{ м}$, $Q = 2000/3600 \text{ кг/с}$, $L = 1.64 \text{ м}$, $\lambda_0 = 1.5$, $p = 0.6$. Тўлқиннинг тарқалиш тезлиги c_0 ва хом ашёнинг тозалаш зонасига узатилиш тезлиги сарф формуласи $w_0 = Q / \rho_0 h L$ бўйича $c_0 = 9.534 \text{ м/с}$, $w_0 = 4.13 \text{ м/с}$.-га тенг бўлади. Кўриниб турибдики танланган параметрларда (2.14) шарти бажарилмоқда. Бажарилган

ҳисоблар натижасида кўрсатилган титилиш $A = 0.00038 \text{ l/Pa}$ параметрининг қийматлари танланганда амалга оширилмоқда. Ҳисоблар колосниклар сони ҳар бир секцияда $N = 4, N = 6, N = 8$ бўлганда бажарилган.

Колосниклар оралиғидаги ρ_i -нинг қийматлари, узоқлаштирилган ифлос аралашмалар миқдори dm_i (фоизларда) 1-3 жадвалда келтирилган

Жадвал 1

Ажратилган ифлос аралашмалар зичлиги ва миқдорининг икки тозалаш секциясидаги колосниклари оралиғида $N = 4$ бўлганда тарқалиши.

Номи	1-секция				2-секция			
N (дона.)	1	2	3	4	5	6	7	8
ρ_i ($\text{кг} / \text{м}^3$)	19.16	18.35	17.58	16.84	16.14	15.46	14.81	14.19
m_i %	7.25	6.3	6.21	4.89	3.61	2.59	1.83	1.28

Жадвал 2

Ажратилган ифлос аралашмалар зичлиги ва миқдорининг икки тозалаш секциясидаги колосниклари оралиғида $N = 6$ бўлганда тарқалиши

Номи	1-секция						2-секция					
N (дона)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
ρ_i ($\text{кг} / \text{м}^3$)	19.16	18.35	17.58	16.84	16.14	15.46	14.81	14.19	13.6	13.02	12.47	11.95
m_i %	7.25	6.3	6.21	4.89	3.61	2.59	1.83	1.28	0.88	0.61	0.41	0.29


Жадвал 3

Ажратилган ифлос аралашмалар зичлиги ва миқдорининг икки тозалаш секциясидаги колосниклари оралиғида $N = 8$ бўлганда тарқалиши

Номи	1-секция								2-секция							
N (дона)	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16
ρ_i ($\text{кг} / \text{м}^3$)	19.16	18.35	17.58	16.84	16.14	15.46	14.81	14.19	13.6	13.02	12.47	11.95	11.45	10.96	10.5	10.1
m_i %	7.25	6.3	6.21	4.89	3.61	2.59	1.83	1.28	0.88	0.61	0.41	0.29	0.18	0.13	0.09	0.07

Диссертация ишининг учинчи “Икки барабанли модернизациялаштирилган тола тозалагичнинг экспериментал тадқиқотлари” бобида тола тозалагичнинг синов натижалари келтирилган. Ўтказилган назарий синовларнинг натижалари асосида икки барабанли корпусида горизонтал ҳолда жойлаштирилган, таркибида ишқаланувчи чўткалари мавжуд бўлган колосникли панжаралардан иборат аррали цилиндрли модернизациялаштирилган тола тозалагич яратилди (расм 2-4).

Назарий синовларнинг натижалари бир қатор экспериментал ишларни амалга ошириш учун имкон яратдики, лаборатория тадқиқотлари натижаларини оптималлаштириш ёрдамида янги тола тозалагич ишчи органларининг оқилона сони ва қулай жойлаштириш муаммосини тўғри ҳал этишга имкон яратди: улар 2-дона аррали цилиндр, колосниклар сони эса 4та Колосникларни ўрнатиш оралиқ қадами 45 мм. қилиб танланди.



- 1- кириш қисқа қувури,
- 2- аррали цилиндрлар,
- 3- ишқаланувчи чўткалар,
- 4- колосникли панжаралар,
- 5- ажратувчи пичоқ,
- 6- жалюзисимон панжаралар,
- 7- ифлосликлар камераси,
- 8- чиқиш қисқа қувури,
- 9-йўналтиргич

Расм.2. модернизациялаштирилган икки барабанли тола тозалагич стенд ўрнатмасининг схемаси.




Расм.3. икки барабанли тўғри оқимли тола тозалагич стенд ўрнатмасининг умумий кўриниши.



Расм.4. икки барабанли тўғри оқимли тола тозалагич стендининг ички кўриниши.

Модернизациялаштирилган икки барабанли тўғри оқимли тола тозалагичдаги тозалаш жараёнининг самарадорлиги аниқланиб, унинг тозалаш самараси амалдаги бир барабанли тозалагичникига нисбатан ўртача 39,2%, яъни 9,1 (абс)%га ортиқлиги маълум бўлди.(5-расм). Толадаги ифлос аралашмалар ва қусурлар миқдори 2% ташкил этиб, сифати бўйича О'zDst 632:2016 “Олий” навининг 1 синфига тўғри келди.




1- тола таркибидаги чиқиндилар, 2- тозалаш самараси,
3- чиқиндилардаги ифлос аралашмалар таркиби

Расм.5. Тозалаш самараси ва чиқиндилар миқдорининг кўрсаткичлари
(колосниклар сони 4 дона)

Диссертация ишининг тўртинчи “**Икки барабанли янги конструкциядаги тола тозалагичнинг ишлаб чиқариш синовлари ва иқтисодий самарадорлигининг ҳисоби**” бобида ишлаб чиқариш синовлари ва иқтисодий самарадорлигининг ҳисоби келтирилган. Модернизациялаштирилган икки барабанли тўғри оқимли тола тозалагич Жиззах вилоятининг Зарбдор пахта тозалаш корхонасида (расм 6,7) ўрнатилган бўлиб, синовлар Ан-Баявут-2 селекциясининг I, II нав толаларида ўтказилди. Тадқиқотлар асосида тозалагичнинг тозалаш самараси 35,4-37,6 %ни ташкил этди, бу эса тозалаш самарасининг 8,2-8,1 (абс)%га ўсишига ва толанинг чиқиндиларда йўқотилишини бир барабанли тозалагичга нисбатан I, II нав толаларида 4,33-2,83 (абс)%га камайтиришга имкон беради.

Шу билан бирга толадаги ифлос аралашмалар ва нуқсонли аралашмалар миқдори 2,04% ташкил этиб, сифати бўйича O'zDst 604:2016 I ва III навларнинг “Олий” ва “Яхши” синфларига тўғри келди.



Расм.6. икки босқичли тўғри оқимли 2ВЛМ тола тозалагичнинг умумий кўриниши.

Расм.7. икки босқичли тўғри оқимли 2ВЛМ тола тозалагичнинг ички кўриниши.

Икки барабанли тўғри оқимли тола тозалагични пахта тозалаш саноатига жорий этишдан кутилаётган иқтисодий самарасининг ҳисоблари амалга оширилди ва бир йилга бир пахта тозалаш корхонасига 2,62 млрд сўмни ташкил этиши аниқланди.

ХУЛОСА

Фалсафа докторининг **“Қийин тозаланувчан ва машинада терилган пахта хомашёси учун юқори самарадорли пахта толасини тозалаш технологиясини ишлаб чиқиш”** мавзусидаги диссертациясини бажариш давомида амалга оширилган ишлар натижалари қуйидагилар:

1. Конденсор типидagi тола тозалагичларнинг таъминловчи столикли тароқ механизмлари 1ВПУ маҳаллий аналогларга нисбатан юқори тозалаш қобилиятига эга. Бирок, уларнинг қисувчи ишчи органлари толани тозалаш давомида ҳар бир тозалаш каррасида тола узунлигига тескари таъсир кўрсатади ва тугунчалар ҳосил бўлишига олиб келади, яъни ҳар бир тозалаш карраси толанинг штапель узунлигини 0,2-0,3мм.га қисқартиради. Ундан ташқари, хорижий машинанинг тузилиши нисбатан мураккаб, унда чиқиндилар таркибидаги тола миқдори маҳаллий 1ВПУ тола тозалагичига нисбатан 13,3%га кўпроқ. Уларда тола тозалаш технологияси электроэнергиянинг (18,5 кВт/соат) ва ҳавонинг (45м³/соат учта тозалагичдан иборат жинлар батареяси учун) ортиқча сарфига, яъни худди шу сингари

маҳаллий пахта тозалаш корхонасидаги участкага нисбатан тахминан 1,5-2,0 барабар кўпроқ.

2. Бир барабанли тўғри оқимли 1ВПУ русумли тола тозалагичнинг конструкцияси нисбатан содда ва фойдаланишда қулай. Унинг амалдаги тозалаш самараси толанинг паст ва юқори навлари тозаланганда 15-25%ни ташкил этади ва бу паспортида келтирилган кўрсаткичдан 8-10 % -га пастроқ. Бундан ташқари, қийин тозаланувчан селекцияли машина ва қўл терими тозаланганда технологик талабларга тўлиқ жавоб бермайди, толанинг сифати эса давлат стандартларига жавоб бермайди.

3. Толани тозалаш соҳасидаги тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, қўлланилаётган машиналарнинг конструктив камчиликлари сабабли толани ўлик ва ифлос аралашмалардан тозалаш самарасини оширишга имкон бермайди, шу сабабли ҳам бугунги кунда тозалагичларнинг тозалаш самараси пастлигича қолиб келмоқда. Бунинг бари тола тозалаш технологияси ва ускуналарини тозалаш самарасини ва тола сифатини давлат стандартларига мос ҳолда оширишга ҳамда унинг чиқиндиларга тушишини минимумгача пасайтиришга имкон берадиганларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

4. Оқимнинг колосниклар билан контактли ўзаро таъсири назарий жиҳатдан ўрганиб чиқилди. Пахта хом ашёси оқимининг аррали цилиндрлар ва колосникли панжаралар орасидаги ҳаракат тенгламалари тузилди. Колосникли панжараларнинг аррали цилиндрларга нисбатан толани тозалашнинг юқори самарасини таъминлайдиган сони ва ўрнатиш координаталари аналитик усулда аниқланди.

5. Ўтказилган тўлақонли экспериментлар асосида янги тола тозалагичнинг оптимал параметрларининг олинган регрессив тенгламалар ёрдамида оқилонга сони ва қулай жойлаштириш муаммосини тўғри ҳал этишга имкон яратилди: улар 2 дона аррали цилиндр, колосниклар сони эса-4та. Колосникларни ўрнатиш оралиқ қадами 45мм. қилиб танланди.

6. Тақдим этилган икки барабанли тола тозалагичга Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг фойдали модел учун патенти олинди -толали материал тозалагичи FAP 01165-2016 й.

7. Икки барабанли тўғри оқимли тозалагич намунасининг ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажриба-саноат синовлари натижасида тозалагичнинг тозалаш самараси 35,4-37,6%ни ташкил этди, бу эса тозалаш самарасининг 8,2-8,1 (абс)%га ўсишига ва толанинг чиқиндиларда йўқотилишини бир барабанли тозалагичга нисбатан I, III нав толаларида 4,33-2,83 (абс)%га камайтиришга имкон беради. Шу билан бирга толадаги ифлос аралашмалар ва кусурлар миқдори 2,04%ни ташкил этиб, сифати бўйича O'zDst 604:2016 I ва III навларнинг "Олий" ва "Яхши" синфларига тўғри келди.

8. Икки барабанли тўғри оқимли тозалагичнинг пахта тозалаш саноатига жорий этилишидан кутилаётган иқтисодий самара бир пахта тозалаш корхонасига йилига 2,62 млрд.сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.12.2019.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО «ПАХТАСАНОАТ ИЛМИЙ МАРКАЗИ»

УМАРХОДЖАЕВ ДАВРОН ХАКИМОВИЧ

**РАЗРАБОТКА ВЫСОКОЭФФЕКТИВНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ОЧИСТКИ
ХЛОПКОВОГО ВОЛОКНА ПРИ ПЕРЕРАБОТКЕ ТРУДНО-
ОЧИЩАЕМОГО И МАШИННОГО СБОРА ХЛОПКА – СЫРЦА**

05.06.02- Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной Комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/T574.

Диссертация выполнена в АО «Paxtasanoat ilmiy markazi».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.nammti.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Максудов Эркин Тухтаевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Маматов Алишер Зулунович**
доктор технических наук, профессор
Эргашев Жамолиддин Саматович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: **Джизакский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «30» июля 2020 года в 11-00 часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: niei_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована под №__).

Адрес 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел: (69) 225-10-07.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2020 года).

Р. Мурадов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

О. Саримсаков
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

К. Холиков
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике основным сырьём для текстильной промышленности является хлопковое волокно. Согласно данным «Международного консультативного комитета по хлопку (ICAC)» в последние годы на мировом уровне вырабатывается около 23,0 млн. тонн хлопкового волокна, а его потребность составляет 24,6 млн.тонн. За счет интенсивного увеличения населения потребность на хлопковое волокно и увеличение спроса на него ожидается и в будущем¹. В развитых странах, таких как США, Китай, Турция, Индия, большое внимание обращается на модернизацию методов управления технологическим процессом, разработке автоматизированных методов проектирования техники и технологий и развитию автоматизированных систем управления процессом переработки хлопка. В этой связи, в частности, разработка ресурсосберегающей техники и технологий очистки волокна, повышающих качество выпускаемого волокна, является важной задачей.

В мире как основной процесс первичной обработки хлопка-сырца особое внимание уделяется процессу очистки волокна, развитию его техники и технологии. В этой связи имеет большое значение модернизация оборудования для процесса очистки волокна, относящееся к основному оборудованию хлопкозаводов, разработка математических моделей, с помощью которых можно оптимизировать задачи повышения качества получаемого волокна. Вместе с этим необходимым является разработка ресурсосберегающего эффективного волокноочистителя новой конструкции, обоснование его параметров, определяющих повышение качества продукции при очистке волокна.

В Стратегии действий развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в том числе, по «...повышению конкурентоспособности национальной экономики, уменьшению расходов энергии и ресурсов, широкому внедрению энергосберегающих технологий...». Решением этих важнейших задач, в частности, является разработка и внедрение новых технологий очистки волокна, позволяющих повысить эффективность производства и удовлетворить требования потребителя к качеству выпускаемого волокна.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, отраженных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти основным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», Постановлению Президента Республики Узбекистана от 4 марта 2015 года №ПП-4707 «О мерах по диверсификации производства и структурных реформах и модернизации на 2017-2019 годы», ПП-3559 от 23 февраля 2018 года «О мерах по кардинальному совершенствованию деятельности

¹International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. September 1, 2017.

акционерного общества «Рахтасаноат Илми Маркази» и других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики: Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий: II. «Энергетика, энерго-ресурсосбережение».

